

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Эртага – Тиббиёт ходимлари куни

ДАРДГА МАЛҲАМ ШИФОКОРЛАР

Чиноз тумани тиббиёт бирлашмаси 316 ўринга мўлжалланган бўлиб, туғруқ, шошилиш тиббий тез ёрдам, терапия, юқумли касалликлар, режали жаррохлик ва болалар бўлимлари бор. Бу ердаги 150 га яқин малакали шифокор туман аҳолиси хизматида.

Этиборлиси, бу йил жонлантириш бўлимига ўпкани сунъий вентиляция қилиш ҳамда кардиомонитор каби сўнгги русумдаги аппаратлар келтирилди.

– Болалар саломатлигини таъминлаш энг муҳим масала, – дейди шифокор Умиджон Рахимов. – Негаки, соғлом авлод юрт келажагини таъминлайди.

Дарвоқе, икки юз ўринга эга кўптармоқли марказий поликлиника фойдаланишга топширилиш арасида.

Ирода МАҚСУД қизи.



СУРАТДА: шифокорлар Нодира Қиличева, Умиджон Рахимов ва Бўстон Бобоева муолажа жараёнида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмон соғлом ва маънавий баркамол авлодни камолга етказиш масалаларига давлат сиёсати даражасида

да этибор қаратилмоқда. Мухбиримизнинг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Шухрат Нишонов билан суҳбати соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланишлар хусусида кечди.

ШИРИН СЎЗИ ДАЛДА БЎЛДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳар йили 1 миллиондан зиёд аёл сут бези саратони касаллигига чалинган экан. Ачинарлиси, уларнинг 20 фоизи 35-45 ёшли аёллардир.

– Касалнинг оғир-енгли бўлмади, – дейди бемор Алфия Рамазонова. – Бирок, сут бези саратонига чалинганимни билганимда тушунлиққа тушиб қолгандим. Шукри, шифокорларнинг ёрдами билан ҳавфли касаллик чекинди. Ўзимизда ўсма касалликлар диспансери борлиги асқотди.

Вилоят ўсма касалликлар диспансери 220 ўринга мўлжалланган бўлиб, 6 та жаррохлик, 2 та терапия, 3 та кенг қўламда

(Давоми 2-бетда).

КЕЛАЖАК ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

– Маълумки, ҳар қандай миллатнинг энг бебаҳо бойлиги – аҳоли саломатлигидир. Шундай экан, бу масалага ҳар жиҳатдан жиддий этибор бериш келажакки муҳофаза қилиш демакдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, тизимда амалга оширилаётган истиқболли режалар ва дастлабки натижалар хусусида нима дейиш мумкин?

– Аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратил-

ган амалий чора-тадбирлар доирасида саломатлиқни муҳофаза қилиш алоҳида ўрин тутди. Кейинги йилларда тиббий хизмат кўрсатиш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарасини бермоқда. Хусусан, соҳанинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган врачлик пунктлари барпо этилди. Вилоятимизнинг уч

миллионга яқин аҳолиси 8868 ўринга мўлжалланган 60 та шифохона, 44 мингдан зиёд беморни қабул қиладиган 306 та амбулатория-поликлиникада 4958 шифокор ҳамда 30 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатмоқда. Соҳага шу йилнинг ўтган даврида бюджетдан 320 миллион 466 миллион 307 минг сўм маблағ ажратилди.

(Давоми 2-бетда).

ФАРЗАНДАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР...

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 40-модда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, халқимизнинг соғлом ва фаровон ҳаёт кечириши учун кулай шарт-шароит яратиш тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланди. Бу инсон манфатларини муҳофазалаш, фуқароларнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашда муҳим омил бўлаётди.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида кенг қўламли чора-тадбирларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бу борадаги ютуқлар саломатини янада оширмоқда.

“Соғлом она – соғлом бола” госясини ўзида мужассам этган миллий дастур муваффақиятли ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу борада она-бола скрининги, перинатал хизматлар тармоғи тобора тақомиллаштирилмоқда. Икки ёшга бўлган болаларни юқумли касалликларга қарши

беғул эмлаш йўлга қўйилган. Миллий эмлаш тақими янги вакциналар билан бойитилмоқда. Жорий йил ўткир юқумли ичак касалликларининг олдинчи олиш мақсадида ротавирус вакцинаси амалиётга татбиқ этилди. Бундай тадбирлар натижасида полиомелит, қочқол, дифтерия, қизамиқ каби касалликлар бутунлай бартараф этилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётди. Бунинг натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича қатор ютуқларга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят комиссияси йиғилиши

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Вилоят ҳокимлигида Одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосарлари, ички ишлар бошқармаси вакиллари, Одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят идоралараро комиссияси ва таҳлилий ишчи гуруҳ аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимлари, прокурорлари, ички ишлар бўлимлари раҳбарлари ҳамда ҳудудий комиссия аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий идоралараро комиссияси раиси, вилоят ҳокими Аҳмадхон Усмонов олиб борди.

(Давоми 2-бетда).



Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

Тадбиркорлик

СИФАТЛИ СУТДАН БРИНЗА ВА СУЗМА

Қуйи Чирчиқ туманилик Азиза Бектошова Туркияга сафари давомида сутни қайта ишлаш корхоналари фаолияти билан чуқур танишиб келиб, ўзи ҳам “Азиза FLUNER” хусусий корхонасини ташкил қилди. Россиядан олиб келинган махсус қозон, совутгич ва бошқа ускуналар ёрдамида кунига 350-400 литр сут қайта ишланапти. Бу ерда икки

киши муҳим иш билан банд. – Олдинлари ҳам шундай корхоналарда ишлаганман, – дейди Манзура Рихсиева. – Кейинчалик оила ташвишлари ва ишонанинг узоклиги туфайли бўшаб кетдим. Энди эса ўзимизнинг маҳалламизда шундай замонавий корхона очилгани айти мудоа бўлди. Ҳозир сутни қайта ишлаб, уч хил – бринза, суз-

ма ва ўрама маҳсулотлар ишлаб чиқараямиз.

– Ҳар кун шартнома асосида сут олиб келиб, уни ўзим қўздан кечираман, – дейди раҳбар Азиза Бектошова. – Чунки махсулот корхонаси юзи. Келгусида қўшимча ускуналар ўрнатиб, махсулот турини кўпайтириш ниятидаман.

Мухаддас ИСРОИЛОВА.

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ОВОЗ БЕРИШАДИ

Вилоят сайлов комиссиясида ўтказилган семинар-тренинг сайлов жараёни, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини мундариштириш тартиби, ажратилган

маблағлардан оқилона фойдаланиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш масалаларига бағишланди.

Вилоят, шаҳар ва туман сайлов комиссиялари раислари ва аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик Палатасига сайлов ўтказишга қўмаклашувчи ишчи гуруҳ вакиллари, ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар округ ва участка сайлов комиссияларини зарур жиҳозлар, адабиётлар, комиссиялар аъзоларини ойлик иш ҳақи, хизмат сафари ва тушлик харажатлари билан таъминлаш бўйича маълумотлар беришди.

Айни кунларда барча сиёсий партияларнинг қурултойлари бўлиб ўтаётгани муносабати билан уларнинг дастурларини сайлов участкаларига етказиш ва сайловчиларни таништириш зарурлиги таъкидланди.

– Бўлажак сайловлар жамиятимизни янада демократлаштириш борасидаги навбатдаги муҳим кадам бўлади, – дейди Пискент сайлов комиссияси раиси Низомиддин Зиёвуддинов. – Сайловни



юсак савияда ташкил этишда округ сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланган. Мазкур семинарда участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, сайловолди ташвиқоти жараёнида тенглик принципларида риоя қилиш бўйича барча талаблар билан танишдик. Булар сайловга қонунчилик ва демократия принципларида тўла мувофиқ равишда тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир ишларни ташкил этишда ёрдам беради.

Бир сўз билан айтган-

да, 21 декабрь куни давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “... кўпни кўрган, эл-юрт тақдирига масъулият билан ёндашадиган халқимиз бу сиёсий жараённинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, сайловда аввало фаол иштирок этади ва ўзининг, оиласининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти учун овоз беради”.

Хушид ТУРСУНБЕКОВА, “Тошкент ҳақиқати” мухбири. Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Республика Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлимида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сайловларда иштироки” мавзусида ҳудудий семинар ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси вакиллари, республика Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва институтнинг вилоят ҳудудий бўлимида вакиллари, вилоятдаги округ сайлов комиссиялари раислари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган семинарда истиқлол йилларида мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига, илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ва миллий тарихий аъёнларимизга мос сайлов қончилиги тизи-



ми яратилгани таъкидланди. Шунингдек, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да илгари сурилган ташаббуслар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига киритилган бир қатор муҳим ўзгариш ва қўшимчалар миллий сайлов қончилигини такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб бергани қайд этилди.

Семинар якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари ви-

лоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига бўладиган сайловларга тайёргарликни янада қулайитириш ҳамда адолатлилик, очкилик, ошқораликнинг демократик тамойиллари асосида сайловчиларга эркин иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Райхон ҚОШИМОВА, вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати бўлими раҳбари. Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ

2014 йил 29 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг Биринчи қўмитаси “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартнома” резолюцияси лойиҳасини кўриб чиқди ва овоз беришга қўймасдан, консенсус асосида маз-

кур ҳужжатни қабул қилди. Дунёнинг 60 га яқин давлати, жумладан, “ядровий бешик” мамлакатлари – Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция унинг ҳаммуаллифлари бўлишди.

(Давоми 2-бетда).



Эртага – Тиббиёт ходимлари куни

"Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида ҳам 18 та туғуруқ муассасалари 1,09 миллиард сўмлик зарур тиббиёт воситалари билан таъминланди. Шунингдек, "JAICA" лойиҳасининг 54 миллион сўмлик маблағи ҳисобига Зангиота, Юқори Чирчиқ ҳамда Қибрай туманларидаги қишлоқ врачлик пунктлари учун тиббиёт ускуналари олинди.

Жойларда замонавий ташхис марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлигини янада мустаҳкамлаш тизимдаги ислохотларнинг устувор йўналишига айланди. Бу борада махсус дастурлар амалга оширилмоқда. Ана шундай кенг қўлланма ислохотлар натижасида вилоятимиз аҳолисининг ўртача умр кўриши 73,7 ёшга узайди.

Қолаверса, республика Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони тиббий хизматни халқимизга янада яқинлаштиришда муҳим дастурий асос бўлиб, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурининг муҳим қонди ва махсус-вазифаларини амалга ошириш жараёнини янги босқичга кўтарди.

Юқоридаги эзгу саяёҳаракатларнинг самараси ўлароқ, бугунги кунга келиб,

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Ўсма касалликлар ичидан сут беги саратони кўп учраётганини сир эмас, дейди бош шифокор Абдулла Абдиҳақимов. – Ўтган йили 1758 аёл саратонга чалинган бўлса, шундан 258 нафари сут беги саратонидир. Бу аёлларнинг аксарияти 45 ёшдан ошганлар.

– Сут беги саратони аёллар ўртасида энг кўп учрайдиган онкологик касаллик ҳисобланади, дейди маммолог Муҳаммад Тўхтбаева. – Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари турлича. Жумладан, наслий мойиллик, эрта балоғатга етиш, климакс даврининг қўзғилиши, бепуштлиқ ёки кеч туғуруқ каби нисбий омиллар, шунингдек, кетма-кет инсталмация ҳомиладан ҳалос бўлиш, ҳомиладорликдан сакловчи дориларни сурункали қабул қилиш ҳам касалликни келтириб чиқарилади. Кучли асбейлашиш, руҳий зўриқиш сут беги саратони ривожланишига туртки бўлади. Опиоидларнинг соғлом турмуш тарзини йўлга қўйсалар, ўзларини асрайдилар.

Диспансернинг 50 дан зиёд малакали шифокорлари касалликнинг олдини олиш мақсадида йилнинг

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Она ва болага кўрсатилаётган бирламчи тиббий-профилактика ёрдамни янада ривожлантириш тиббий ислохотларнинг устувор йўналишини ташкил этади, дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилфўза Ҳасанова. – 2014 йилда маъруза йўналишида фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш дастури доирасида 750 нафар умумий амалиёт шифокорлари ўқув курсларида жалб этилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг оналик ва болаликни муҳофазага оид замонавий технологияларни жорий этиш борасидаги тавсиялари асосида беш мингдан ортиқ акушер-гинеколог, неонатолог ва педиатрнинг малакаси оширилди. Бирламчи тиббиёт муассасалари ходимларининг 155 нафари репродуктив саломатлиқни муҳофазага бўйича замонавий технологиялар юзасидан билим ва тажрибасини янада бойитди.

Бирламчи бўлин тиббиёт ходимлари ағалий ёрдам бериш мақсадида мамлакатимизда саноат марта мониторингинг ҳафталиги ўтказилиб, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва клиникалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика перинатал маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт ва Аҳоли репродуктив саломатлик марказларининг юқори малакали 345 мутахассисини худудларга сафарбар қилинди. Худудий мутахассислар томонидан туғуруқ ёшидаги аёллар ва болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди, касаллик аниқланганлар соғломлаштирилди.

Николануевич ёшларни тиббий кўриқга тўлиқ қамраб олиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётган. Бу жараёнда касаллик аниқланган-

(Давоми. Боши 1-бетда).

аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва касалликларнинг олдини олишнинг изчил ва босқичма-босқич тизими яратилди. Жумладан, шифокорларимиз янги, замонавий асбоб-ускуналар воситасида мураккаб ва юқори технологик жарроҳлик амалиётини ҳам мустақил бажаришда қўлланаётган.

– Кўзланган мақсадларга эришишда соҳа ходимларининг билим ва малакалари муҳим аҳамиятга

эга, албатта. Шифокорлар малакасини мунтазам ошириб бориш тизимини қай даражада шакллантирилган?

– Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий тиббиёт ускуналаридан самарали фойдаланиш ҳар бир ходимдан пухта билим ва малака талаб этади. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадида "Саломатлик – 3" лойиҳаси доирасида 2012-2014 йилларда 135 шифокор 10 ойлик умумий амалиёт курсларида ўқитилди. Шунингдек, қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва туман марказий шифохоналари лаборантлари ҳам малака оширишди. Ҳар бир туманда иккитадан ўқув хоналари ташкил этилиб, ҳамшира ва шифокорлар мунтазам шуғулланишарди. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

– Тошкент ҳақиқати" мухбири Ҳасанбой САДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

ШИРИН СЎЗИ ДАЛДА БЎЛДИ



ҳар қорига вилоятнинг чекка худудларида бўлиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб борадилар, аёлларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказадилар.

– Касалликни эрта босқичда аниқлаш муҳим аҳамиятга эга, – дея гапини давом эттирди шифокор. – Аёллар саломатликларига бефарқ бўлмай, ўзлариди ўзгаришларга эътибор бериб, вақтида шифокорга мурожаат қилишлари керак.

– Кўл ости ва кўрак соҳасида огриклар безовта

тида 684 шифокор, Республика ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш маркази курсларида 1865 ходим қайта тайёрланди.

Яна бир муҳим масала – тиббиёт ходимларининг ҳам масъулиятли, ҳам шарафли меҳнатларини муносиб қадрлаш, янада самарали ишлашлари учун қўлай имкониятлар яратиш ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизими жорий этилиб, ҳар бир шифо маскани ҳузурида Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинган натижасида шифокорларнинг иш ҳақлари бугунга келиб ўртача 881 минг, ўрта тиббиёт ходимлариники 501 минг сўмга кўтарилди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимига ўтилгани ҳар бир тиббиёт ходимининг ўз бурчига масъулият билан ёндашишини кучайтираётган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси мамлакатимизда шифокорлар кўни сифатида кенг нишонланаётгани биз тиббиёт ходимларига кўтаринки руҳ бахш этмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимизнинг барча тиббиёт ходимлари ва соҳа фахрийларини касб байрамлари билан қизгин кутлаймиз.

– Тошкент ҳақиқати" мухбири Ҳасанбой САДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

Вилоят комиссияси йиғилиши

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Таъкидландики, вилоят ички ишлар идораларининг одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни бошқариш оид фаолияти кучайтирилиб, фуқаролардан жиноий мақсадларда фойдаланиш учун хорижга олиб чиқиш билан шуғулланаётган жиноий гуруҳлар ва уларнинг "рахнамо"ларини аниқлаб, фаолиятига чек қўйиш мақсадида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда шу йилнинг ўтган 10 ойи давомида доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга чиқиб кетган шахслардан 15 минг 498 нафари вилоятга қайтарилди, улардан 12 минг 79

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ЎЗИМИЗНИНГ ЧИННИЛАР



Сўнгги йилларда вилоятимизда кундалик турмуш учун зарур ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар кўпайиб, аҳолининг турмуши фаровонлашмоқда, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлиги таъминлаб боришмоқда.

Зангиоталик Исмоил Алимов йигирма беш йиллик тажрибасига таяниб, қоса, чойнақ, пиёла, ликобча, ваза каби 25 турда уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона очди. "Абдулазиз омад чиннилари" масъулияти чекланган жамиятида ҳозир кунига 3 мингдан зиёд шундай буюмлар ишлаб чиқаришмоқда.

– Маҳсулотнинг нархи ва харидорлигини унинг сифатига боғлиқ, – дейди раҳбар. – Ҳозиргача чинниларимизни ички бозорларда сотган бўлсак, энди шартномага муво-

нафари тиббий кўриқдан ўтказилди ва 6 минг 974 нафари доимий иш билан таъминланди.

Чуқур таҳлил ва танқидий руҳда ўтган йиғилишда жойларда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилиб, жумладан, янги иш жойлари ҳақида аҳолига тўлиқ маълумот берилмаётгани, меҳнат ярмаркалари юзаси ўтаётгани таъкидланди. Жойлардаги комиссия раислари қарорлар ижроси устидан назорат олиб бормагани оқибатида айрим худудий комиссиялар қарорларида белгиланган вазифалар бажарилмаётгани қайд этилди.

Мажлисида муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

мингдан зиёд маҳсулот тайёрлашга улгурди.

Корхонада шунингдек, Хитойдан келтирилган ярим тайёр чинниларга безак берувчи цех ҳам ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий қафолати" лойиҳаси бўйича тарғибот ва ташвиқот олиб борилади. Шу муносабат билан Тошкент Давлат аграр университети ахборот-ресурс марказида тарғибот тадбирларини юқори савияда ташкил этишга бағишланган матбуот видеоконференцияси ўтказилди.

– "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг Конституция-миз мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга кенг тушунтиришга қаратилган лойиҳаси тадбирларини бўлажақ сайловларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди, – деди ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Лазиз Ҳасанов. – Бунинг учун вилоят ташкилий кўмитаси, шунингдек, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари ёш ўқитувчилари, иқтидорли ўқувчи-талабалари ҳамда жойлардаги бошланғич ташкилот етакчилари ва кўнгилли ёшлардан иборат тарғиботчилар гуруҳлари тузилди.

Таъкидландики, "Ватан келажаги сенинг қўлингдан" шiori остида ўтказиладиган "Ёшлар ва сайлов – 2014" лойиҳаси, "Ёш сайловчилар кўнлари" ахборот акциялари, "Мен сайловга тайёрган" мавзусидаги деярли газеталар, ишчи-лар

аксарияти тенгдошларим экани ва қўлай шароит ишимни осонлаштираётган. Кунига 40 тагача буюмга безак берайман.

Корхона келгусида фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилган. Шу босис, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини ошириш ҳаракатида.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Азамат АХМЕДОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ

битим бўлди.

Шартномага кўра, ҳар бир томон ядровий тадқиқотлар ўтказмаслик, ҳар қандай ядровий қурол ёки бошқа ядровий портлаш қурилмаси устидан иш олиб бормаслик, ишлаб чиқармаслик, захираларини тўпламаслик ёки бошқа усуллар билан қўлга киритмаслик, эгалик қилмаслик ёки унинг устидан назоратни амалга оширмаслик бўйича ўз зиммасига мажбуриятлар олган. Ўз навбатида, ядровий давлатлар шартномада иштирок этаётган барча мамлакатларга нисбатан ядро қуролини ёхуд бошқа

ядровий портлаш қурилмасини қўлламаслик ёки уни қўллаш билан таҳдид қилмаслиқни қарор қилди.


Нуфузли халқаро экспертлар томонидан бир неча бор қайд этилганидек, Ўзбекистон ташаббусининг амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этилиши Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг барқарор ва изчил тараққиёти учун минтақавий ҳафизликни таъминлаш бўйича устувор вазифаларига ҳамда глобал даражада ядро қуролини тарқалмаслиги тизимининг мустаҳкамланишига жавоб беради.

"Жаҳон" АА.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ФАОЛ ЁШЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан 15 ноябрдан 15 декабргача вилоятимизда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий қафолати" лойиҳаси бўйича тарғибот ва ташвиқот олиб борилади. Шу муносабат билан Тошкент Давлат аграр университети ахборот-ресурс марказида тарғибот тадбирларини юқори савияда ташкил этишга бағишланган матбуот видеоконференцияси ўтказилди.



– "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг Конституция-миз мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга кенг тушунтиришга қаратилган лойиҳаси тадбирларини бўлажақ сайловларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди, – деди ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Лазиз Ҳасанов. – Бунинг учун вилоят ташкилий кўмитаси, шунингдек, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари ёш ўқитувчилари, иқтидорли ўқувчи-талабалари ҳамда жойлардаги бошланғич ташкилот етакчилари ва кўнгилли ёшлардан иборат тарғиботчилар гуруҳлари тузилди.

"Ёшлар ва сайлов – 2014" лойиҳасида фаол иштирок этганлар вилоят ҳокимлигида ўтказиладиган "Ҳоким ва ёшлар" учрашувида фахрий ёрлик билан рағбатлантирилади. Шунингдек, улар ҳаракат ташкил этадиган танловлар, "Талабалар баҳори" фестивали ва турли лойиҳаларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Хушда НАЗАРОВА, Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Худудий семинар

ЯҒОНА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

Вилоят ҳокимлигида республика "Ермулккадастр" Давлат кўмитаси ҳамкорлигида Вазирлар Маҳкамасининг "Худудлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.



Тошкент шаҳри ва Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлари "Ермулккадастр" давлат корхоналари раҳбар ва мутахассислари, "Ўзбек-энерго" давлат акциядорлик компанияси, Ички ишлар вазирлиги, Геодезия ва картография миллий маркази, Давлат геология ва минерал ресурслар, Давлат архитектура ва қурилиш, Давлат статистика кўмиталари вакиллари қатнашган семинарда худудларнинг давлат кадастри – муайян худуднинг табиий-ресурс ва ҳўжалик салоҳияти, иқтимоий-иқтисодий ривожланиши ва экологик ҳолати тўғрисидаги худудий-ташқилий геофазовий маълумотларни ўз ичига олган геоахборот тизими бўлиб, у давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ишларининг худудлар даражасида ривожланишига хизмат қилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ушбу ягона тизимда автомобиль йўллари ва унга хизмат кўрсатувчи ҳамда ёндош иншоотлар инфратузилмаси,

давлат ер, ўрмон ва сув кадастрлари, табиий ҳавф юқори бўлган минтақалар, қонлар, фойдала қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳолати, темир йўллар, маданий мерос, электр энергетика объектла-

ри, бинолар ва иншоотлар, шахарсозлик, автомобиль йўллари давлат кадастрларининг геофазовий маълумотлари ўз ақсини топади.

– Давлат кадастрлари ягона тизимни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, манфаатдор юридик ва jisомий шахсларни ахборот билан таъминлаш ва шу орқали бошқарув қарорларини қабул қилишда бево-сита амалий ёрдам беради, – дейди вилоят "Ермулккадастр" давлат корхонаси раҳбари Мурод Фанихўжаев. Семинар давомида давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби бўйича иштирокчиларга батафсил тушунтириш берилди.

Санд ҲАСАНОВ, Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

2014 йил – Соғлом бола йили

Шу кунларда мактаб ўқувчиларининг кузги таътили давом этмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқувчиларнинг таътил даврида бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўқувчилар ўз қизиқишидан келиб чиққан ҳолда фан тўғрақлари, спорт секциялари, "Баркамол авлод" болалар марказларидаги машғулотларда қатнашиши учун зарур шароитлар яратилган. Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўғил-қизларнинг хоҳиш-истаклари инобатда олиниб, ҳорижий тиллар, турли фан тўғрақлари, спорт машғулотларининг таътил вақтида узлуksиз ишлашини таъминлаш йўлга қўйилган.

Таътил кунларида ўқувчилар

КУЗГИ ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА



спорт билан шугулланиши учун умумтаълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт мажмуаларидаги тўғрақлар ва секциялар, сузиш

ҳавзалари тўлақонли фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда жами 65 минг 423 спорт тўғраги мавжуд бўлиб, уларда 1 миллион 638

минг ўқувчи спорт билан мунтазам шугулланмоқда. Спорт тўғрақларида қатнашиш 16 ёшгача бўлган болалар учун бепул олиб борилмоқда.

"Баркамол авлод" болалар марказларида ташкил этилган 4485 тўғрақ ҳам таътил кунлари узлуksиз фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказларда экология ва ўлкашунослик, бадий ҳамда техник ижодиёт йўналишларидаги 36 хил тўғрақларда ўқувчилар ўз билимини бойитиши ва бўш вақтини мароқли ўтказиши учун етарли шароит яратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча "Баркамол авлод" болалар марказларида қарийб 108 минг ўқувчи қамраб олинган. Улар ўртасида бичиш-тикиш,

тўқиш, либослар дизайнери, фольклор, компьютер сервиси ва графика, ёш дастурчи каби тўғрақларга қизиқиш ортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги "Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ вазирлик томонидан кузги таътил вақтида ўқувчиларнинг музейларга саёҳати ташкил этилмоқда. Бу каби тадбирлар юртимизда навқирон авлод ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши йўлида кўрсатилаётган гамжурликнинг амалий ифодасидир.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

«БОР МЕҲРИМИЗ СИЗГА, БОЛАЖОН!»

Халқимизнинг бағрикенглик, болажонлик фазилатига ҳавас қилувчилар кўп. Шунинг учун "Яшаса, болам деб яшайди ўзбек" дея ифтихор этади шоирларимиз. Аммо, гуруҳ курмаксиз бўлмаганидек, ора-сира бўлсада, ўз дилбандини оналик меҳридан жудо этувчилар топилиб туради.

Дарҳақиқат, Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини кўрганда, аёл, она деган номга ҳамма ҳам муносиб бўлавермас эканда, дея ўйлаб қоласан киши. Йўқ, улар ота-онаси бор болалардан кам яшамайди. Ҳамма нарса етарли, иссиқ бошпана, меҳрибон мураббий ва ўқитувчилар, оппоқ, тоза, озода ётоқхона замонавий жиҳозлар... Аммо, бу ерда нимадир камдек – сезиб турганингиздек, она меҳри, оила тафти...

Лекин, шу меҳр ўрнини тўлдиршига бўлган интилиш, сай-ҳаракатлар туфайли бу кўзларда умид, ишонч ўқунлари зоҳир. Бу она Ватан ардоғи, меҳр-эътиборидир.

Вилоят ва туман ҳокимликлари, хотин-қизлар кўмиталари бошчилигидаги меҳр-оқибат, ҳиммат-саховатли инсонлар "Бор меҳримиз сизга, болажон!" дея совға-саломлар билан меҳрибонлик уйига отланишди.

– Бугунги тадбиримиз мамлакатимиз раҳбарининг соғлом

бола, баркамол авлод, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, маънавий етук ёшларни тарбиялаш ҳақидаги кўрсатмалари, фармону қарорлари ижроси доирасида уюштирилди, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва. – "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида амалга ошираётган ишларимиз хали давом этади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши керак".

Тадбир якунида болажонларга ҳомийлар ва Германия халқаро ҳамкорлик жамғарма кассалари фонднинг ўқув қуроллари, совғалари топширилди.

Сайёра РИХСИЕВА.



– Қани, жажжи шифокоримиз эшитиб кўрсинларчи...
– Чуқур-чуқур нафас олчи, ўртоқжон. Ҳаммаси жойида, жуда соғлом ўсаяпсан...

Қобилжон ФОҒУРОВ сурат-лавҳаси.

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

Янгийўл туманидаги 58-ихтисослашган футбол мактаб-интернатида Соғлом бола йилига бағишланган турнир ўтказилаяпти. Унда Тошкент, Фарғона, Жиззах, Наманган, Андижон, Самарқанд вилоятларининг 12 та жамоаси 2 гуруҳга бўлинган ҳолда тўп суришмоқда.

– Мактабимиз Ангрен шаҳридан 2008 йили кўчи келган, – деди директор ўринбосари Турсунали Назаркулов. – Ҳозир 285 нафар ўқувчи футбол ўйини сирларидан сабоқ олишяпти. Бунинг учун 55 кишилик педагогик жамоа самарали меҳнат қилмоқда.

Турнир мусобақалари эртага якунланиб, ғолиб ва совриндорлар номи аниқланади.

Феруза ТўРАЕВА.
Даврон АХМАД олган сурат.



Ҳаёт сабоқлари

Ҳаммаси узук йўқолишидан бошланди. Унчалик қимматбаҳо бўлмаса-да, ҳар қалай Илҳомжоннинг совғаси. Шу боис Сайёра ўзини қўйишга жой тополмай қолди.

Эри кечки пайт ишдан қайтган, кўзи тушмасин деган мақсадда, қўлини яширишга уринди. Аммо зийрак эр хотинидаги ўзгаришни бир қарашдаёқ сезди:

– Нима гап, Сайёра, тобинг йўқми?

– Касалга ўхшайманми? – ўзини қувноқликка солди Сайёра, лекин юрагидаги ғашлик тарқамди.

Эртасига эрталаб Илҳомжон ишга кетиши биланоқ, узукни излашга тушди. Ётоқхонанинг ҳар бир бурчагини тит-пит қилиб чиқди, аммо узук топилмади...

Шу узугини қўлидан қўймасди. Тўйларидан бир

йил ўтгач, Илҳомжон совға қилганди. У вақтда Сайёра талаба эди. Ўшанда унинг қанчалик қувонганини таърифлашга тил ожиз.

узукка ҳавас билан тикиларди. "Ўлибди-да, шу арзимоган узукка назарини паст қилса. Керак бўлса, эри Турсунбой бундай узукдан

олмаганимдингиз? – деб сўрайманми? Ёки рўпарадаги қўшимчимиз Ҳумоҳон олдимкин? Ўзим ичимдагини топ дейдиган писмиқлар-

...ҚЎШНИНГНИ ЎҒРИ ТУТМА



Шуларни кўз олтидан ўтказар экан, юраги яна ғашланди. Шу пайт хаёлига келган фикрдан ўзи кўрқиб кетди. Икки кун илди, аммо узук топилмади... Шу узугини қўлидан қўймасди. Тўйларидан бир

ўнтасини олиб беришга қодир-ку", – хаёлидан ўтди унинг. Шунда Шарофатга телефон қилмоқчи бўлиб, халатининг чўнтагига қўл солди-ю, яна ўйлианиб қолди: "Нима дейман? Узугим йўқолиб қолувди, сиз

дан. Ҳа, ўша олган. Фақат шулар билан кириш-чиқиш қилсам... Ундан нима деб сўрайман?"

Дам олиш кунини ҳам Сайёрага татимди. Бир кўнгли Ҳумоҳоннига қийиб, дидагини шартта-шартта

юзига айтай деди-ю, ўзини босди.

Кечки овқатдан сўнг Илҳомжон залга кириб, футбол томоша қила бошлади. Камолиддин дадасининг ёнида ухлаб қолди. Уни ётоғига олиб қираман деганда, уйғониб кетди. "Ўйкуси зийрак-да" хаёлидан ўтди Сайёранинг. Кейин уни етаклаб болалар ётоқхонасига кирди. Шу пайт Камолиддин бола эмасми, полда ётган коптокчани тепган эди, қараवоти тагига юмалаб кетди. Камолиддин уни олишга ҳаракат қиларкан:

– Ойжон, ану нима? – деди ғилам устидаги нарсани кўрсатиб.

Сайёра қай кўз билан кўрсинки, шунча кундан буюн топилмаётган узук ялтираб турарди. Шундай енгил тортиқди, асти қўяверасиз...

Неъмат РАФИҚОВ.

САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини асраш масалаларига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, уларда учрайдиган касалликларга таъхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш ва кенг қўллаш масаласи муҳим вазифа сифатида белгиланган.

"Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан ота-она меҳридан бебаҳра болаларни мунтазам тарзда шифокорлар кўригидан ўтказиш, учраши эҳтимоли бўлган турли хасталикларни профилактикасини кучайтириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу кунларда мазкур жамоат ташкилоти ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида "Саломатлик ҳафталиги"

ташкил этилиб, ушбу лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари ва "SOS-болалар маҳаллалари" тарбияланувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсади болаларда учраши мумкин бўлган хасталикларни эрта аниқлаб, даволаш ҳамда реабилитацион муолажаларни белгиллаш, кейинчалик уларнинг соғлигини доимий назоратга олишдир.

Тиббий кўрик якунида ҳар бир болага индивидуал профилактика чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, хасталикка чалиниши эҳтимоли бўлганлар ўз вақтида диспансер назоратига олинади.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзиллари:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатта олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
теришти ва саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Набатчи
Муқаддас ИСРОИЛОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ